

2021

“MEYORU-T-TADOYYUN” AS RELIGIOUS AND MORAL SOURCE

Naimov Ismat

Basic doctoral student of the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, ismat.naimov@yandex.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iaiu>



Part of the [Education Law Commons](#), and the [Legal History Commons](#)

Recommended Citation

Ismat, Naimov (2021) “MEYORU-T-TADOYYUN” AS RELIGIOUS AND MORAL SOURCE,” *The Light of Islam*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaiu/vol2021/iss2/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

“МЕЪЁРУ-Т-ТАДОЙЙУН” – ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ МАНБА СИФАТИДА

“МЕЪЁРУ-Т-ТАДОЙЙУН” КАК РЕЛИГИОЗНО-ПРАВСТВЕННЫЙ ИСТОЧНИК

“MEYORU-T-TADOYYUN” AS RELIGIOUS AND MORAL SOURCE

Ismat NAIMOV,

Basic doctoral student of the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. ismat.naimov@yandex.ru, Sheyhan 60, Bukhara, 200100, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IAU/2021/2/8

Аннотация: XIX асрнинг иккинчи ярмида фаол илмий изланишлар олиб бориб, ўзидан бой илмий мерос қолдирган маърифатпарвар ва қомусий аллома Аҳмад Донишнинг диний йўналишидаги фаолияти маҳсули ҳисобланган “Меъёру-т-тадоййун” асари бугунги кунга қадар етарлича ўрганилмаган. Асар номи илмий жамоатчиликка маълум бўлса-да, унинг маъно-мазмунини ва моҳиятини ҳали илмий жиҳатдан таниш эмас. Шуни ҳисобга олиб мақолада, диний-ахлоқий йўналишидаги мазкур асарнинг яратилишига сабаб бўлган қатор омиллар, дунё динлари тарихининг ёритилиши, ҳар бир дин вакили ўз эътиқодини тўғри деб ҳисоблашига ҳуқуқи борлиги, киши иймонли шахс сифатида камол топишида зарур бўлган талаблар ҳақида асар муаллифининг фикрлари таҳлил этилган.

Таъкидлаш лозимки, Аҳмад Дониш Россия империясида кўрган таассуротлари натижасида Бухоро амирлигида кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишни таклиф этган. Бу ислоҳотлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, аллома диний хилма-хилликдан иборат бўлган Бухоро амирлиги фуқароларини ўзаро ҳурмат ва тинч-тотув яшашиларига асос бўлиб хизмат қилувчи ислоҳотномасини ҳам ишлаб чиққан ва уни тарғиб қилишни мақсад қилган. Мазкур асарнинг илмий жиҳатдан ишончли бўлиши учун маърифатпарвар ўзидан олдин ўтган аждодлари илмий мероси ва тарихий манбаларга мурожаат этган бўлиб, улар орқали ўзи таклиф этаётган фикрларининг тўғрилигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, Шайх Фариддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё”, Мавлоно Жомийнинг “Нафаҳоту-л-унс”, Сарви Бўстонийнинг “Мизону-л-ҳақ”га раддияси ҳисобланган “Таъдиду-л-мизон”, Абдуллоҳ Машиҳадийнинг “Мизону-л-мавозин”, Ҳофиз Гулом Ҳалим Деҳлавийнинг “Насихату-л-мўминин”, Абдулқодир Гелонийнинг “Раббонийликни англаш”, Имом Фаззолийнинг “Кимиёи Саодат”

шунингдек, қатор диний-ахлоқий асарлар “Канзу-л-ирфон”, “Ҳадиси Қудсий” каби манбалардан ўз асарини янада мазмунан бойитишга ва диний қарашларини улардан келтирилган далиллар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, Қуръони Каримга тафсир, Таврот ва Инжилнинг форс тилидаги таржималарини мутолаа этишни тавсия этадики, булар асарнинг илмий қимматини янада оширганлигини таъкидлаш жоиз.

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида мақола муаллифи ўз фикрларини баён этиб, авваламбор, асар динлараро бағрикенгликни таъминлаш, улар ўртасидаги қарама-қаршиликларни ислоҳ қилиш ҳамда бир-бирларига толерантлик муносабатида бўлишларининг заруриятини қатор мисоллар билан таъкидлаган. Шунингдек, асл ислом таълимотининг моҳиятини англашда мазкур манбада келтирилган – илм-маърифатли бўлиш, касб-ҳунар эгаллаб ватан равнақида хизмат қилиш каби фикрларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида муаллифнинг илмий хулосалари берилган.

Калит сўзлар: Аҳмад Дониш, қози, ислом, иймон, меъзон, диёнат, поклик, “усули хамса”, уламо, толерантлик, бағрикенглик, зиёрат.

Аннотация: Во второй половине XIX века, ознаменовавшейся интенсивными научными изысканиями, просветитель и энциклопедист Ахмад Дониш оставил после себя богатое научное наследие, в частности его произведение «Ме'ёру-т-тадоййун», которое и по сей день остается малоизученным. Несмотря на то, что название этого труда известно научному сообществу, с его содержанием еще мало кто знаком.

В статье анализируются религиозно-нравственные факторы, послужившие причиной создания произведения «Ме'ёру-т-тадоййун», взгляды Ахмада Дониша относительно изложения истории мировых религий, и прав представителей различных религий считать своё вероубеждение единственно истинным.

Ахмад Дониш предложил проведение ряда широкомасштабных реформ в Бухарском эмирате. Данные реформы предполагали охват комплекса политических, экономических и социальных проблем страны, которые бы способствовали установлению взаимного уважения и мирного сосуществования граждан Бухарского эмирата, принадлежащих к разнообразным религиозным верованиям. В привлечённом к исследованию нами произведении, просветитель обратился к научному наследию своих предтеч в целях аргументации правильности своих идей. Источниками для него послужили такие произведения, как труды шейха Фариддина Аттора «Тазкирату-л-авлиё», Мавлоно Джамии «Нафатоху-л-унс», Сарви Бустани и его «Тадиду-л-мизон», считающийся редакцией «Мизону-л-хак», «Мизону-л-мавозин» Абдуллоха Машихади, «Насихату-л-муминин» Хафиза Гулома Халима Дехлеви, «Раббонийликни англаш» («Понимание раввинства») Абдулкадыра Гелани, в том числе и «Кимиёи Саодат» Имама Газали, и ряд таких религиозно-нравоучительных

произведений, как «Канзу-л-ирфон», «Хадиси Қудси». В содержании произведения прослеживается влияние философских воззрений Абу Насра Фараби на формирование религиозно-нравственных идей Ахмада Дониша.

Автор статьи, излагая собственные мысли о значении «Ме'ёру-т-тадойюн» для современности, подчеркивает и приводит ряд убедительных примеров, подтверждающих значимость данного произведения для обеспечения межрелигиозного согласия толерантности, разрешения между различными религиями взаимных противоречий. Автор завершает статью научными выводами о значении и роли исследуемого произведения «Ме'ёру-т-тадойюн» в воспитании современной молодежи и в разъяснении сущности истинного вероучения ислама.

Ключевые слова: Ахмад Дониш, кази, ислам, иман, критерий, религия, истина, «усули хамса» («стиль пятерицы»), ученый, толерантность, согласие, паломничество.

Abstract: In the second half of the 19th century, marked by intensive scientific researches, the educator and encyclopedist Ahmad Donish left behind a rich scientific legacy, particularly his work *Me'yoru-t-tadoyun*, which to this day remains poorly studied. Even though the name of this work is known to the scientific community, few people are still familiar with its content.

The article analyzes the religious and moral factors that caused the creation of the work *Me'yoru-t-tadoyun*, the recommendations of Ahmad Donish regarding the coverage of the history of world religions, and the rights of representatives of different religions to consider their beliefs as the only true ones.

Ahmad Donish proposed a series of large-scale reforms in the Bukhara Emirate. These reforms assumed the coverage of a complex of political, economic, and social problems of the country, which would contribute to the establishment of mutual respect and peaceful coexistence of citizens of the Bukhara Emirate, belonging to various religious beliefs. In his work, Ahmad Donish turned to the scientific heritage of his forerunners to strengthen the correctness of his ideas. The sources for it were such works as the works of Sheikh Fariddin Attor (*Tazkiratu-l-avliya*), *Mavloni Jami (Nafatahu-l-uns)*, Sarvi Bustani and his *Tadilu-l-mizan*, considered to be the edition of *Mizanu-l-Haq*, *Mizanu-l-mavazin* by Abdullah Mashhadi, *Nasikhathu-l-muminin* by Hafiz Gulom Halim Dehlevi, *Rabboniilikni anglash (Understanding the Rabbinic)* by Abdulqadyr Gelani, including *Kimiyoi Saodat* and *Imam Ghazali*, such religious and moralistic works as *Kanzu-l-irfon* and *Hadisi Qudsi*. The content of the work traces the influence of the philosophical views of Abu Nasr Farabi on the formation of the religious and moral ideas of Ahmad Donish.

The author of the article, outlining his thoughts about the meaning of «*Me'yoru-t-tadoyun*» for the present, emphasizes and gives several convincing examples confirming the importance of this work for ensuring interreligious harmony of tolerance, resolving mutual contradictions between different religions. The author ends the article with scientific

conclusions about the meaning and role of the studied work «*Me'yoru-t-tadoyun*» in the education of modern youth and in explaining the essence of the true doctrine of Islam.

Keywords: Ahmad Donish, qazi, Islam, iman, religion, truth, Usuli hamsa (Style of the five), scientist, tolerance, content, pilgrimage.

КИРИШ

Ўзбек давлатчилиги тарихий илдиэларининг мустахкамланишида ҳамда тарих сахифаларидан омон қолишида ислом дини таълимотининг ўрни бекиёсдир. IX-XII ва XIV-XV асрларда ватанимиз тарихида уйғониш даврининг содир бўлиши бу шунчаки ўзи-ўзидан бўлган тарихий ҳодиса эмас балки, буюк алломаларимизнинг ислом таълимоти билан курулланган кенг билим махсули натижаси ҳисобланганлигини таъкидлаш жоиз. Бироқ XIX асрга келиб, ҳукмронлик қилган сулоаларнинг нотўғри юритган тадбирлари туфайли ислом таълимоти мақсадларидан чекинилди. Оқибатда, бу тузатиб бўлмас инқирозларга хусусан, илм ва маърифатга эътибор берилмаганлиги сабабли, диний мазхаблар орасида низолар авж олди. XIX аср иккинчи ярмида маънавий камолотга эришган маърифатпарвар аллома Ахмад Дониш (1827-1897) эса ўз замонаси муаммоларига бефарқ бўлмади, уларни ислох қилиш бўйича ўз дастурил амалларини илгари сурди. Инсоннинг икки дунё саодатига эришида диний эътиқоднинг муҳимлигини англаган ҳолда ҳақ йўлини кўрсатувчи «Меъёр ул-тадойюн» асари мана шундай дастуруламалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда А.Дониш диний-ахлоқий қарашларининг шаклланишига таъсир этган қозилик фаолиятига оид мероси ҳали етарлича илмий муомалага киритилмаган. Хусусан, булардан бири «Меъёр ул-тадойюн» асаридир.

Маърифатпарвар А.Дониш ислом динида нозик масала, яъни иймон, унинг ўзига хос талабларини «Меъёр ул-тадойюн» номли диний-ахлоқий асари орқали келажак авлодга тушунтиришга ҳаракат қилади. Ушбу асар ҳижрий 1311, милодий 1894 йилда муаллиф томонидан ёзилган бўлиб, иймон ва диёнат, поклик ва унга эришиш мезонлари, диний ақидапарастлик ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш шунингдек, дунё динларининг моҳияти, ислом мазхаблари шиа ва суннийларнинг қарама-қаршиликлари сабаблари ҳамда ўзаро бир-бирлари билан муроасага келиш масалалари тўғрисида фикрлар баён этилган [Ahmad ibn Nosir].

Муаллиф рисолада асарни ёзишга даъват этган сабаблар ва бундан кўзланган мақсадларини аниқ ифодалайди. Хусусан, «шиа ва суннийлар ўртасида келиб чиқадиган зиддиятларни ислох қилишни

ифода этувчи – муқаддима, уч фасл ва хотимадан иборат рисола ёзишга киришдим” [Ahmad ibn Nosir; 3-varaq], - дейди А.Дониш. Шунингдек, рисола ни ўрганиш ва талқин қилишда илм-фан, таълим ва тарбияни инсон қалбига олиб кириш, Қуръони Карим оятларининг моҳиятини тушуниш ҳамда маърифатпарвар Абдулқодир Абдулмаоний (Бедил) илмий меросини чуқур англашга қўмаклашишни ҳам асосий мақсаддан бири қилиб олганлигини қайд этади [Ahmad ibn Nosir; 3-varaq].

А.Дониш асар муқаддимасида рисола ни ёзишга туртки берган омилларга батафсил тўхталар экан, ўз замонасида амирлик ички вазиятини бузувчи турли мазҳаб ва оқимлар бўлганлиги ва уларни бағрикенгликка чақириш зарурлигини ўз илмий ҳулосалари асосида баён этади. Шунинг учун “Меъёр ул-тадойун” (Иймон мезонлари) номли рисола ёзишга қарор қилгани ва чин мусулмон сифатида ҳақиқий эътиқод, диннинг тўғри йўли тўғрисида ўз фикрларини баён этиб, уни замондошлари ва келажак авлод учун васиятнома сифатида тақдим этганини таъкидлайди [Ahmad ibn Nosir; 2,3-varaq]. Токи ушбу рисола ни кўриши ва онгли равишда иймон йўлига қадам ташламоқчи бўлган киши ғайрат билан иймонининг мукамаллиги ва номукамаллигини англайдиган ва бидъатга қарши норозилик билдира оладиган бўлиб етишсин [Ahmad ibn Nosir; 10-varaq].

ТАҲЛИЛ

Манбанинг биринчи – “Иймон келтириш меъзонларини ўрганиш ва диндорлик талаблари” фаслида иймон йўлида тўғри йўлни топиш ва понликка эришишнинг беш асосий шarti келтирилади. Иккинчи – ҳар бири ўз эътиқодининг тўғрилигига даъвогарлик қилишга ҳаракат қилувчи гуруҳлар – “Ислом, яҳудий, насроний динлари ва шиа мазҳаби орасидан тўғри эътиқодни танлаш” фаслида дунё динларининг тарихи, эътиқодининг фарқли жиҳатлари, диний маросимлари ва муқаддас китобларининг маъно-мазмунига эътибор берилди. Учинчи – “Турли диний оқим вакиллари билан муроСага келиш ҳақидаги тўғри йўл” номли фаслда муалифнинг динлараро бағрикенгликни тарғиб этувчи махсус назарияси илгари сурилади. Хотимада эса муаллифнинг ўз даврида мавжуд бўлган “Диндорлик талаблари ва диёнат аломатлари тўғрисида” эътирозлари ўз ифодасини топган [Ahmad ibn Nosir; 1-varaq].

Аллома ўз фикрларини рубойлардан парчалар ва мазмунан теран ҳикоялар келтирган ҳолда ифодалайди ва ўз фикрларини улар орқали мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Асарнинг алоҳида фарқли жиҳати шундаки, А.Дониш уни ўз ташаббуси

билан бирга, Бухоро амирлигининг олий қозиси Бадриддин ибн Садриддиннинг илтимосига кўра ёзилганлигидир. Бу тўғрисида муаллифнинг олий қозига бағшлаган кичик бир шеъри далолат беради [Ahmad ibn Nosir; 01 b-varaq].

Таъкидлаш лозимки, муаллиф ушбу рисоласини маслақдошлари орасида кенг тарғиб этилишини ўз олдига мақсад қилиб қуйган. Шу сабабли, маърифатпарвар дўсти Муҳаммад Сиддик Ҳашматга қўлёзмони тақдим этган. У эса, ушбу рисола ни ёзилган йилида бир неча тўлдирилган фикрлар билан қайта кўчирган. Хаттотга тегишли бўлган қўлёзманинг бир неча варақларида ўз аксини топган бодом шаклидаги муҳрлар бундан далолат беради [Ahmad ibn Nosir; 1 ab, 2a-varaqlar]. Китоб рангли гуллар ва нафис кушларнинг расмлари билан безатилганлиги билан ўқувчи диққатини ўзига жалб этади.

Муаллиф асосий қисмга ўтишдан олдин, рисола ни муқаддимасида ўз даврининг тарихий ходисалари тўғрисида маълумот беради. Россия империясининг истилочилиги тўғрисида тарихий далиллар келтиради. Хусусан, Самарқанднинг истило этилишини қуйидагича тасвирлайди: “Рус подшоси ўзининг саккиз минг аскарига Мавороуннахрни босиб олишни буюрди. Улар буйруқни адо этишди ва ниҳоят Бухорогача етиб келишди” [Ahmad ibn Nosir; 4-varaq]. Самарқанднинг қўлдан кетишига сабаб бўлган омилларни ҳам санаб ўтади. Амир Насрулло, амир Музаффар ва Амир Абдулахаднинг ички ва ташқи сиёсатда йўл қўйган хатолари ҳамда уларнинг тадбирсизлиги, айрим кишиларнинг сотқинлиги, аскарларнинг жасоратсизлиги туфайли Самарқанд қўлдан кетгани баён этилади. Шунингдек, ушбу стратегик шаҳарнинг қўлдан бой берилиши Бухоро учун аянчли хусусан, агар Самарқанд суви уч йил давомида Бухорогача етиб келмаса, Бухоронинг ўз суви, яъни қудуқлари ҳам сув бермай қўйиши, бу эса қурғоқчиликка олиб келишини таъкидлайди [Ahmad ibn Nosir; 4-varaq]. Бунинг таъсирида, Бухоро воҳасини сув билан таъминлаш зарурияти тўғрисида Қобулдан Бухорога келган элчининг амир ҳузуридаги мунозараси тасвирланган ҳикоя орқали нақадар жиддий эканлигини тушунтиради [Ahmad ibn Nosir; 5-varaq].

Инсонларнинг муносиб турмуш-тарзи юритиши учун қулай шарт-шароитларнинг зарур масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Бу билан у амирликда мавжуд бўлган муаммоларни фoш этади. Ҳақимларнинг фикрларига таянган ҳолда, доно киши беш сифатга эга бўлган шаҳарни ватан сифатида танлаши лозимлигини маслаҳат беради:

Биринчидан, шаҳар одил подшо қўлида бўлиши зарур. Агар адолатпарвар бўлмаса, шаҳарга

мусофирлар кўз олайтириб, мустақиллигига хавф соладилар.

Иккинчидан, олимлари тақводор ва илмли бўлиш керак. Агар улар бундай сифатга эга бўлмаса, фақиҳларни улуғлаш иллати авж олиши оқибатида одамларга зарар етиши муқаррар.

Учинчидан, оқар сув ва булоқлари одамлар ҳаётини яхшилаш учун етарли даражада бўлиши лозим.

Тўртинчидан, мамлакатда етарли ҳақиқ табиблар ва дори-дармон бўлиши керак. Агар булардан холи бўлса, кўп одамлар ички ва ташқи сабабларга кўра бетоб бўлиб, ҳалок бўладилар. Бундай бўлгач жамият бузилади.

Бешинчидан, шаҳар номи машҳурликка эришиб сайёҳлар учун очиқ бўлиши керак, шунингдек, мусофир кишиларга меҳнат қилишга руҳсат берилиши лозим [Ahmad ibn Nosir; 5-varaq].

Рисоланинг биринчи фаслида ислом динининг инсон ахлоқи ва тарбиясида тутган ўрни, чин мўмин-мусулмон бўлиш учун зарур бўлган иймон мезонлари, диндорлик ҳамда у орқали покликка эришиш масалалари батафсил баён этилади. Аллома фикрича иймон келтириш, касб танлаш, никоҳ қуриш, жамиятда инсонлар билан ўзаро тўғри муносабатда бўлиш ва покликка эришишнинг қуйидаги бешта мезонларни асос сифатида қабул қилиш лозим:

Биринчидан, эътиқодда доимий таҳоратда бўлиш, маърифат билан ягона Оллоҳни англаш ва салбий одатлардан ҳалос бўлиб, камолот сифатларига эришиш;

Иккинчидан, зулм ва судхўрликдан холи бўлган касб-ҳунарни танлаб, ҳалол риск-насибага эга бўлиш;

Учинчидан, доимий никоҳда бўлиш ва оиласини таъминлаб, уни сақлаб қолиш учун адолатли бошқариш, аёлларга мурувватда бўлиш;

Тўртинчидан, зоҳирий (очиқ) поклик ва оллоҳни зикр қилиш, холис амаллар қилиб, ёмонлик ва нопокликдан сақланиш;

Бешинчидан, ботиний (махфий) покликка эришиб, одамлар билан яхши муносабатда бўлиш [Ahmad ibn Nosir; 15-varaq].

А.Дониш мўминликнинг юқоридаги беш мезонини келтирар экан, уларга риоя қилган киши ҳақиқий ислом дини моҳиятини англагани, иймони мустаҳкамлиги ва руҳан бақувват бўлиб, маънан етукликка эришгани аммо, мезонлардан бири бекор қилинса, киши таназулга учраши муқаррарлигини таъкидлайди [Ahmad ibn Nosir; 15-varaq]. Иймоннинг бешта устуни ҳақида ўз фикрларини давом этиб, уларнинг зарурлигини қатор ишончли тарихий манбаларга таянган ҳолда исботлашга ҳаракат қилади.

А.Дониш кишиларни касб-ҳунар эгаллаб содиқ қолишга, уни адо этишда адолатли бўлишга, салбий одатлардан тийилиб ортиқча нафсга ружу қўймасликка, нафрат ва адоватдан холи, кишиларга меҳрибон, камтар бўлиш, ўтганларни доимо хотирлаб, марҳумлар номига дуои-фотиҳалар ўқиб уларнинг руҳини шод этиш исломнинг гўзал фазилатларидан эканлигини уқтиради [Ahmad ibn Nosir; 12-varaq].

Ушбу фаслда христианлик динининг пайғамбари Исо Масеҳ ва яҳудий динининг элчиси Мусо пайғамбар ҳамда улар орқали нозил бўлган муқаддас китоблар Таврот ва Инжил ҳақида Қуръони Каримнинг “Бақара”, “Оли Имрон”, “Моида” ва “Марям” сураларида келтирилган хабарларга асосланиб ёзган фикрлари шунингдек, диний бағрикенгликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган инсонларнинг ранги, тили ва миллатидан қатъий назар мусулмонларнинг уларга нисбатан мурувватда эканликларини инкор этиб бўлмайдиган манбаларга таяниб ёзганлари ниҳоятда аҳамиятли саналади [Ahmad ibn Nosir; 13-15-varaqlar].

Иккинчи фасл “Меъёр ул-тадоййун”нинг асосий қисмидир. А.Дониш ушбу фаслнинг аввалида юқорида таъкидланганидек, тўрт гуруҳга бўлинган динлар орасидан тўғриси топишга эътиборни қаратади ва ҳар бир дин вакили ўз эътиқодининг тўғрилигига давогарлик қилишга ҳаққи борлигини тушунтиради. Муаллифнинг бу масала бўйича келтирган бир ҳикояси мазкур саволга жавоб топишга ёрдам беради. Баён этилишича, кунларнинг бирида подшо Аврангзеб фармонига биноан миллатнинг уломалари йиғилишиб, энг тўғри эътиқод қайсилиги борасида баҳслашадилар. Узоқ давом этган мунозарадаги жавобларнинг ниҳоятда хилма-хиллигидан бир фикрга кела олмайдилар. Шунда, Аврангзеб ҳар бир диннинг донишманд раҳнамоларидан уч кишини мунозарага жалб этишни буюради. Яҳудий, насроний, зардуштий ва будпарастлик дини вакиллари ўз эътиқодларининг тўғрилигига подшоҳни ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Бирок, мунозара сўнгида ислом динининг донишманд уламосига сўз берилганда, у бошқа динларга нисбатан хурматда эканлигини маълум қилади ва улар тўғрисида ижобий фикрларни баён этади. Бундан таъсирланган Аврангзеб ислом дини энг инсонпарвар дин эканлигига ҳеч шубҳаланмай, энг тўғри дин деб топиш тўғрида махсус фармон чиқаради ва ўз салтанати аҳолисини ислом динига эътиқод қилишга чақиради [Ahmad ibn Nosir; 17-varaq].

Ушбу фаслнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири бу, муаллиф томонидан иймон йўлига киришдан олдин инсон ўз нафсини жиловлай олишининг

муҳимлигини уқтирилганлиги ҳисобланади. Бунда тасаввуф таълимотига мурожаат этиб, инсон ўз танасини озиклантиришда маълум меъёрларга риоя қилиши кераклигини таъкидлайди [Ahmad ibn Nosir; 19-varaq]. Фаслда илм-маърифат масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. “Хулоса қилиб айтганда, илм ва маърифат ақлнинг натижасидир ва ақлнинг мукамаллиги илмда намоён бўлади. Ва маърифат аждодларнинг илмий меросига асосланиши керак. Бизнинг замонда эса илм ухлаб ётган ёки ўлик одамга ўхшайди. Демак, диний илм ва дунёвий таълим тушунарсиз ва бир-бирига зид келмоқда” [Ahmad ibn Nosir; 20-varaq], - деб ёзади А.Дониш.

Ислом динининг беш устунни – Оллоҳга иймон келтириш ва уни танитган зот Муҳаммад (с.а.в.) ни пайғамбар, расули эканлигини эътироф этиш яъни, калимаи шаҳодат келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва ҳаж қилиш ҳақида Қуръони Каримнинг сураларидаги оятларга асосланиб фикр юритади. Бирок, ушбу рукнларни адо этишдаги айрим амаллар уламолар томонидан жорий этилиши натижасида “бир бидъатнинг жорий этилиши юз бидъатнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда”, - деган танқидий хулосани илгари суради ва айрим уламоларнинг илмсизлигидан чиқарган фатволари оқибатида турли иллатлар авж олаётлигини қоралайди. Жумладан, “уларнинг қарор қилганларидек, “икки тоғ орасида (Сафо ва Марва тоғлари орасида саъй қилиш [Quro`ni Karim]) хаддан ортиқ (етти мартадан кўп) ақлдан озгандек югуриш ва жазирама қуёшда чидаб бунинг оқибатида жигарни қуйдириб, юракни хасталаш керак эмас, аксинча, ушбу вожиб суннат амални бажаришда одамларга озор берадиган даражада югурмаслик лозим [Ahmad ibn Nosir; 21-varaq], - деб ёзади. Бу билан муаллиф ислом дини ибодатда ҳам ўз эътиқод қилувчиларнинг саломатлиги ҳақида қайғуришига эътиборни қаратади.

Олимнинг зиёрат одоблари тўғрисидаги фикрлари кишилар диний онгини шакллантиришда муҳимдир. Айрим кишиларнинг уқувсизлиги ва бошқаларга эргашиб зиёрат вақтида оллоҳга ширк келтиришларини қоралайди. Бу тўғрисида унинг қозилик фаолияти даврида ўзи гувоҳ бўлган бир воқеъа аҳамиятли ҳисобланади. Баён этишича, кунларнинг бирида насафлик киши мурожаат қилиб, Балхдаги Шохимардон мақбарасидаги Султон Ҳусайн Байқаро қабрини зиёрат қилганини айтади ва у ердаги одатларга кўра мақбаранинг кириш дарвозаси устида қўл етишидан баландроқда занжир осилганлиги, агарки кимнинг зиёрати қабул бўлса, чиқиш вақтида унинг қўли мазкур занжирга етиши зиёратининг қабул бўлганлигини англатишини

сўзлаб беради. А.Дониш бундай салбий одатлар хусусан, қарб тошларини ўпиш, уларни масх этиш, атрофида айланиш, нашоналар боғлаш зиёратчилар орасида авж олганлигини қоралаб, махсус зиёрат одобларини ўзида мужассамлаштирган йўриқнома ишлаб чиқиб, зиёратчиларни тўғри йўлга чорлаш лозимлиги ҳақидаги фикрларини баён этади [Ahmad ibn Nosir; 21-varaq].

Манбада Аҳмад Донишнинг кескин фикрлари, ёки бир қарашда ноисломий туйиладиган хулосалари ҳам мавжуд. Лекин, улар ислом дини мақсадларини ўзида ифодалаганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, “агар кишига унинг камбағаллигини рўқач қилиб, кизларини никоҳга бермаганликлари оқибатида, ёш навқирон йигит зино қилиб қўйса, нега уни жазолаш керак. Аслида бу мантиқсиз эмасми? Бу жамиятнинг муаммоси эмасми?” [Ahmad ibn Nosir; 21-varaq] – деган ўринли саволлари аҳамиятли ҳисобланади. Бу билан маърифатпарвар ҳар бир киши ижтимоий ва молиявий имкониятларидан қатъий назар никоҳ қуриш имкониятидан холи бўлмаслиги, никоҳ ҳам бир ибодат бўлиб, исломда оилавий ҳаёт масаласи муқаддас эканлигига эътиборни қаратади.

Закот ва рўза тўғрисида фикр юритиб, жамиятда турли исрофгарчиликлар авж олаётганлиги, қилинган эҳсон муҳтож кишига етиб бормаётганлигига урғу беради ва “ушбу амал жамиятда инсонлар ўртасида меҳр-мурувватни таъминлаш учун керак” – деган хулосани илгари суради. Шунинг учун “жамиятнинг барча аъзолари бир-бирларига муҳтож бўлиб, ҳожатманд бўлиши, айниқса имконияти чекланган кишиларга эътибор қаратиш зарур” [Ahmad ibn Nosir; 22-varaq]– дейди. Бу билан жамиятда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларда адолатга эришиш лозимлигини қайд этади. Умнат ахлининг рўза тутишидан асосий мақсади нафақат ўз нафси балки, бутун бир вужудини тарбиялаш ва у орқали ҳақиқатга эришиш нақадар муҳимлигини амалий исботлайди.

Ушбу фаслнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, аллома моҳир диншунос сифатида намоён бўлади. Христианлик, яҳудийлик, ислом дини ва шиа мазҳабининг келиб чиқиш тарихи, эътиқодининг фарқли жиҳатлари, муқаддас диний китобларининг мазмун-моҳияти ва уларда охир-замон пайғамбари тўғрисида берилган маълумотлар ҳамда шиалар ва суннийлар орасида келиб чиққан қарама-қаршиликларнинг сабабларига тўхталади [Ahmad ibn Nosir; 30-64-varaqlar]. Мутафаккирнинг пайғамбарлар тўғрисидаги ишончли манбаларга асосланган ҳолда баён этган фикрларидан аён бўладиги, у дунё динларига ҳурмат билан қараган.

Шу билан бирга муаллифнинг яҳудийлик ва насронийлик динлари ва шиа оқими ҳақидаги

танқидий мулоҳазалари ҳам акс этган. Бу аввало унинг ушбу дин ва мазҳаблар ўртасидаги юзага келган қарама-қаршиликлар масалаларида ўз аксини топган. Аммо ушбу гуруҳлар ўртасида бўлган мунозараларда мутаассиблик ва экстремистик ғоялардан қочиш, бетараф бўлишга ҳаракат қилган.

А.Дониш “Меъёр ул-тадойюн”нинг учинчи фаслида асосан диний низолар масалаларига эътибор беради. Диний бағрикентлик ва динлараро тутувлик, улар ўртасидаги толерантликни таъминлаш бўйича ўз хулосаларини келтиради. Асосан, Бухоро амирлигидаги мавжуд диний қарама-қаршиликлар хусусан, шиа ва суннийларнинг ўзаро низоларига барҳам бериш ва ечимларини излашга ҳаракат қилади. Икки оқим ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг туб негизларига эътибор бериб, сабабларини излайди. “Аслида сабабларининг аҳволи Оллоҳ чегараларига етиш ёки Худога йўл топиш учун эмас балки, уламоларнинг қасос олиш ва дунёвийлик (бойлик) топиш учун бўлган экан” [Ahmad ibn Nosir; 109-varaq], - деб ёзади.

Бу хулосасини исботлаш мақсадида “Меъёр ул-тадойюн”да қимматли ҳикояни келтиради. Баён этилишича, Шероздаги бир мударрис (шиа мазҳаби мунсуб) суннийлар юрадиган йўл ёқасидан бир мевазор яратади. Мевалар пишгач, шу боғ олдидан ўтадиган ва унга ҳаваси келса-да, бироқ ундан баҳраманд бўла олмайдиган суннийларни кўрганда мотам сақлайдиган одати бўлади. Ундан мотамнинг сабабини сўраганларида суннийларга раҳми келиб, ачинишини ва уламоларининг қарорига биноан улар камбағалликка дучор бўлганликларидан норози эканлигини билдиради [Ahmad ibn Nosir; 109-varaq]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, муаллиф диний низоларнинг сабабларини топишга ҳаракат қилади ва асосий сабаб қилиб, сиёсий ихтилофларга уламоларнинг халқни ўйламасликлари ва мол-мулк тўплашга ружу қўйганликларида деб ҳисоблайди [Ahmad ibn Nosir; 109-varaq]. Бироқ, ҳар икки масҳаб вакиллари ўзаро тутувликда яшаш тарафдори бўлганлар.

А.Дониш Бухорода диний низолар ўзининг авж нуқтасига чиқишидан ўн беш йил аввал ушбу нозик масалага ҳукумат диққатини қаратмоқчи бўлади. Ўзининг диний манбасида низоларнинг сабабларини кўрсатиб, уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришга даъват этади. Низоларни ўз ҳолига ташаб қўйиб олдини олиш бўйича ислохотлар кўрилмас экан, оқибатда қонли можаролар келиб чиқишдан огоҳлантиради. Албатта, А.Дониш мазкур масалада ҳақ эди. Чунки, амирликда диний қарама-қаршиликларнинг олдини олиш бўйича ҳеч қандай чоралар кўрилмади. Оқибатда, 1910 йил муҳаррам ойида айрим гуруҳлар томонидан уюштирилган

фитна натижасида бир неча кунлик йирик мазҳабий қонли мужаро келиб чиққан эди [Bu haqda qarang]. Ваҳоланки, бундан олдин қўшни хонликлар хусусан, Ашхободда синний ва шиалар тинч-тотув яшаш бўйича иттифоқчилик чоралар кўриб, ҳатто фарзандларини бирга ўқитишга келишган бўлсаларда [Kaspiy], бу Бухоро амирлиги амалдорлари учун ибрат бўлмаган эди.

МЕТОДИ

Шунинг учун А.Дониш бир диннинг икки оқими вакиллари ўзаро яраштириш ва уларнинг қарама-қаршиликларининг олдини олишга ҳаракат қилиб, авваламбор улар бир дин, бир қиблага бош қўювчи эътиқод вакиллари эканликларига эътибор беради. Унинг фикрича, низоларни бартараф этишда иймон мезонлари ва диндорлик талабларига риоя этишнинг бешта (“усули хамса”) асосий мезонлари мавжуд: хусусан,

– Авваламбор илм эгаллаб, дунё суннатининг мукамаллигига эришиш учун сарвари оламнинг мавжудлигини ақл билан идрок этиш ва амалларнинг мукофоти учун қайта тирилишга иймон келтириш [Ahmad ibn Nosir; 126-varaq];

– Иккинчидан, зоҳирий ва ботиний покликка риоя этиб ҳасад ва нафрат, ғийбатдан тийилиш, кишиларга муҳаббатда бўлиб меҳр-мурувват кўрсатиш, хунук ва ноўрин фикрлардан сақланиш ва доимо Оллоҳни зикр қилиб юриш;

– Учунчидан, Оллоҳга зоҳирий ва ботиний равишда ибодат қилиш. Унинг ҳузури ва чегараларига шошилиб, ибодат қилиб, салом бериш, тақводор бўлиш. Бугуни ва келажакда ҳақида қайғуриш ва дангасаликка қарши курашиш.

– Тўртинчидан, ахлоқий буғуқлик ва беҳаё амаллардан тийилиш. Бунинг учун кўнгил амрига кулоқ солиб, доимий никоҳда бўлиш. Зинога асло яқинлашмаслик. Бойлиги ва мансабидан худбинлик қилиб фахрланмаслик. Ғайратини ошириш учун керакли таълимни олиш. Судхўрликни касб қилмаслик. Бола тарбиясига ниҳоятда эътиборли бўлиш. Уни мактабга юбориб, илм-фан ва маҳсус мартаба (касб-хунар) билан шуғулланишга шароит яратиш ва бошқалар билан тўқнашувлардан қочишга ўргатиш [Ahmad ibn Nosir; 127-varaq].

– Бешинчидан, шариатдан ташқариш уламоларнинг сўзларидан қочиш, уларга қарши ғоявий қаршилик кўрсата олиш кўникмасига эга бўлиш, бепарволикдан сақланиш. Иқтисодий (савдо-сотик) ва маиший хизмат кўрсатишда адолатли бўлиш. Агар булар одамларнинг вазифалари бўлса, унда ростгўй ва раҳмдил бўлиш. Унинг фойдаси каби, зарарини ҳам кўра олиш ва ундан сақланиш.

Хиёнат ва ўғриликдан тийилиш [Ahmad ibn Nosir; 128-varaq].

Шиалар ва суннийлар ўртасидаги қаршиликларни ислоҳ қилишга юқоридаги назария аллома томонидан “усули хамса” деб номланиб, “осмондан ҳеч қандай илоҳий китоб нозил бўлмаганида ҳам, киши уларга риоя этса, у шубҳасиз чин иймон-эътиқодли бўлишга эришади. Буни пайғамбарга (салоллоҳи алайҳи ва саллам) нозил бўлган китоб (Қуръони Карим) ҳам тасдиқлайди ва уни янада мукамаллаштириб, риоя этишни амр этади” [Ahmad ibn Nosir; 128-varaq]. Шунинг учун барча дин биродарлари уларга риоя этиб, бир-бирларига мурувватда бўлишлари ва иғволардан сақланишлари лозим” [Ahmad ibn Nosir; 128-varaq], - деб ўз фикрларини тасдиқлайди А.Дониш.

МУҲОКАМА

Бутун манба билан танишиб, шундай хулосага келиндикки, А.Дониш ўз рисоласида ислом динига эътиқод қилишни даъват этсада, бошқа динларни қоралашдан тийилади ва толерантлик муносабатида бўлишга чақиради. Уларнинг моҳиятини англамоқчи бўлганларга, бир неча манбаларни мустақил мутлоа қилишни тавсия этади.

Аҳмад Донишга бундай ҳаётий зарур рисола ни ёзишда, унга қозилик фаолияти ва Россия империясига амалга оширган саёҳатлари таъсир этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, қозилик фаолияти унга ислом дининг икки диний оқими ўртасидаги зиддиятларининг асл моҳияти ва сабабларини тушуниш ва англаб етишга, Россияда эса бошқа динлар билан яқиндан танишиш ёрдам берган. Натижада, дунё динларини бир бири билан қиёсий таҳлил қилишда ишончли диний манбаларга эга бўлган. Жумладан, 1869-1870 йилларда Бухоро амирлиги элчилари ташрифига жавобан миннатдорчилик билдириш ва Бухоро амирлиги тўғрисида маълумотлар тўплаш мақсадида 1870 йил май ойида Туркистон генерал губернатори К.П. Кауфманнинг топшириғига кўра полковник С.И. Носовичъ бошчилигида ҳарбийлардан иборат бўлган айғокчилар Бухорога ташриф буюради [Kostenko; 5-st.]. Ушбу миссия таркибида бўлган шарқшунос Л.Р. Костенконинг маълумотларига қараганда 1869 йилда Санкт-Петербургда бўлган Бухоро элчиларининг котиби (А.Дониш) элчиларга инглиз тилидан форс тилига таржима қилинган Муқаддас Инжил китобни кўрсатган. Котиб Инжилнинг фазилатларини жуда кўп мақтаган. Бу ҳолат эса уларни ҳайрон қолдириб, мусулмонларни уларга бегона бирон нарсага чидаб билмайдиган мутаассиб деб билишлари ҳақидаги фикрларининг ўзгаришига сабаб бўлган [Kostenko; 68-st.].

Ўзининг таъкидлашича, ислом динининг қалбига ўрин эгаллашига Зайниддин Муҳаммад Абу Ҳамид бинни Муҳаммад Аҳмад Ғаззолийнинг (1058-1111) “Кимиёи саодаг” ва унинг асли “Эҳёни улум” асарлари муносиб таъсир кўрсатган. Ушбу асарлар таъсирида замона фуқаролари ва уламоларининг диний-дунёвий амаллари бутунлай нотўғри йўлга эканлигини англаган.

А.Дониш диний қарашларининг шаклланишида унинг каллиграфлик фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Ғаззолийнинг юқорида таъкидлаб ўтилган асарини Амир Насрулло Муҳаммад Баҳодирхон буйруғига кўра ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида 1849-1850 йилларда қайта кўчирган [O`zR FA SHI, inv: 481/II]. Шунингдек, Ҳусайн воиз Кошифийнинг “Анвари Сухайли” (ушбу асар “Калила ва Димна” асарига шарҳлар ҳисобланади) асарини 1895-1896 йилларда [O`zR FA SHI, inv: 2283]; Бадриддин Халилийнинг (вафоти 1529 й.) “Шох ва дарвиш” асарини 1849 йилда [O`zR FA SHI, inv: 2349]; Носириддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ат-Туси (597/1201-672/1274)нинг “Птоламейнинг Мевалар китобига шарҳлар” асарини 1885 йилда [O`zR FA SHI, inv: 2247/II] моҳирлик билан қайта кўчирган.

НАТИЖА

Бугунги кунга қадар тадқиқотчилар “Ин рисолаист ислоҳ миёни шиъа ва сун”, “Номус ул аъзам” ҳамда “Меъёр ул-тадоййун” асарларининг ҳар бирини алоҳида кўрсатган ҳолда, улар бўйича хулосаларини билдирганлар. Тадқиқот натижасида аниқландикки, бу учта асар ягона “Меъёр ул-тадоййун” деб номланиб, битта асарга мужассамлашган. Демак, тадқиқотчилар “Меъёр ул-тадоййун”нинг бир неча нусхалари мавжуд бўлганлиги учун асар мазмунидан келиб чиқиб турли номлар билан атаганлари, эҳтимолдан йироқ эмас. Бироқ, ЎзФА Шарқшунослик институтининг асосий қўлёзмалар фондидаги муаллиф дастхати ҳисобланган 553-рақамли рисолаининг 7-варақ сатр четида муаллиф манбанинг номини аниқ кўрсатганлигини таъкидлаш жоиз [Ahmad ibn Nosir; 7-varaq].

Россия Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалар институтида (Санкт-Петербург) 316-рақам остида “Меъёр ул-тадоййун”нинг яна бир нусхаси сақланмоқда. Ҳижрий 1327 (милодий 1909) йилда Мулло мир Нўъмон ал-Бухорий томонидан кўчирилган нусхада хаттот ушбу нодир диний асар динлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ҳамда можароларни бартараф этишга қаратилган дастуриламал бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтган. Эътироф этиш жоизки, ушбу қўлёзма кўшни

Тожикистон Республикаси олимлари томонидан аниқланиб, кирил алифбосига табдил қилишга муяссар бўлишган [Ahmad Maxdumi Donish].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, Аҳмад Донишнинг диний-ахлоқий йўналишдаги асарида фикрларини содда ва эркин ифода этади ҳамда билдирган мулоҳазаларидан хулоса чиқаришни ўқувчи ихтиёрига ҳавола этади. Уларда маърифатпарварликни тарғиб этиб, дунёвий ва диний илмларни мужассамлаган ҳолда ўрганишга даъват этади. Динлараро бағрикенглик масаласига эътибор бериб, ўзаро тинч ва тотув яшашга чорлайди. Таъкидлаш лозимки, А.Донишнинг диний-ахлоқий йўналишдаги илмий мероси ўз мазмунини йўқотмаган, аксинча бугунги кунда дунёда диний ихтилофлар авж олиб бораётган бир пайтда, уларга барҳам бериш, динлараро бағрикентликни таъминлаш, турли дин вакиллари ўзаро хурматга чақириш, тўғри эътиқодни танлашда йўлдан адашмаслик тўғрисидаги фикрлари ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмад инб Носир (Аҳмаде Калла Донеш) Бухори. Меъёр ул тадойюн. ЎЗР ФА ШИ, инв:553. 136 варак. (х.1311/ м.1894 йй. Муаллиф дастхати).
2. Аҳмад ибн Носир (Аҳмаде Калла Донеш) Бухори. Меъёр ул тадойюн. ЎЗР ФА ШИ, инв: 2187. 154 варак. (Кўчирувчи: Сиддиқхон Ҳашмат).
3. Аҳмад Махдуми Дониш. Меъёру-т тадойюн (Таҳияи матн ба алифбои кириллии тоҷики ва тасҳеҳу тавзеҳот ва шарҳи луғот аз А.Девонақулов ва Н.Зокиров). – Душанбе: Эр-граф, 2010. – 309 саҳ.
4. Аҳмад Дониш. Наводирул вақое (Нодир воқеалар). Академик И.Мўминов таҳрири остида. Форс-тоҷикчадан А.Ҳамроев ва А.Шокиров таржимаси. – Тошкент: “Фан”, 1964. – 414 б.
5. Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ.Йўлдошев. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2014. - 144 б.
6. Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. Вступительная статья и примечания Р. Хади-заде. Перевод с таджикского М.Н. Османова и Л.Н. Демидчика. – Сталинобад: Ирфон, 1976. – 280 с.
7. Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Том 5. Эсдалиқлар I-II қисмлар. – “Тошкент”: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 312 б.
8. Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Том 6. Эсдалиқлар III қисм. – “Тошкент”: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 240 б.
9. Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Том 7. Эсдалиқлар IV қисм. – “Тошкент”: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 312 б.

10. Бартольд В.В. Исламъ. – Петроградъ. Огни, 1918. – 98 с.
11. Бертельс Е. Рукописи произведений Ахмада Каллэ. Труд Таджикской базы. – М.: АН СССР, 1936. – 385 с.
12. Куръони Карим. Бақара сураси, 158-оят.
13. Бу ҳақда қаранг: Айний С. Тарихи инкилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 58-67; Телеграмм. Дахилия хабарлари // Таржимон. №3. 1910 йил 13 январ; Исмаил Гаспиринский. Бухараи шариф вақеаси // Таржимон. №4. 1910 йил 22 январ; Алексеев А. “Тарихи инкилоби фикри дар Бухоро” как источник по суннитско-шиитским отношениям в Бухарском эмирате (к. XIX – нач. XX вв.) <https://www.kunstkamera.ru/files/lib/978-5-88431-234-0/978-5-88431-234-0.pdf>.
14. Каспий. Турли ҳавадис. // Таржимон. № 30. 1906 йил 24 март.
15. Костенко Л.Р. Путешествие в Бухару русской миссии. (С маршрутом от Ташкента до Бухары). – С-Петербург: “Издание Бортневского”, 1871. – 108 с.
16. Мўминов И. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Тошкент: “Фан”, 1999. – 256 б.
17. ЎЗР ФА ШИ, инв: 481/II.
18. ЎЗР ФА ШИ, инв: 2283.
19. ЎЗР ФА ШИ, инв: 2349.
20. ЎЗР ФА ШИ, инв: 2247/II.

REFERENCES:

1. Ahmad ibn Nosir (Ahmade Kalla Donesh) Buxori. Me'yor ul tadoyyun. O'zR FA SHI, inv:553. 136 varaq. (h.1311/ m.1894 yy. Muallif dastxati).
2. Ahmad ibn Nosir (Ahmade Kalla Donesh) Buxori. Me'yor ul tadoyyun. O'zR FA SHI, inv: 2187. 154 varaq. (Ko'chiruvchi: Siddiqxon Hashmat).
3. Ahmad Maxdumi Donish. Me'yoru-t tadoyyun (Tahiyai matn ba alifboi kirillii tochiki va tashehu tavzehot va sharhi lug'ot az A.Devonaqulov va N.Zokirov). – Dushanbe: Er-graf, 2010. – 309 sah.
4. Ahmad Donish. Navodirul vaqoe (Nodir voqealar). Akademik I.Mominov tahriri ostida. Fors-tojikchadan A.Hamroev va A.SHokirov tarjimasi. – Toshkent: “Fan”, 1964. – 414 b.
5. Ahmad Donish. Risola yoxud mang'itlar xonadoni saltanatining qisqacha tarixi. Tarjima, izohlar va kirish so'zi muallifi Q.Yo'ldoshev. – Toshkent: “O'zbekiston milliy entsiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2014. – 144 b.
6. Ahmad Donish. Puteshestvie iz Buxari v Peterburg. Vstupitel'naya stat'ya i primehaniya R.Xadizade. Perevod s tadjikskogo M.N. Osmanova i L.N. Demidchika. – Stalinobad: Irfon, 1976. – 280 s.
7. Ayniy S. Asarlar. Sakkiz tomlik. Tom 5. Esdaliklar I-II qismlar. – “Toshkent”: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1965. – 312 b.
8. Ayniy S. Asarlar. Sakkiz tomlik. Tom 6. Esdaliklar III qism. – “Toshkent”: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1965. – 240 b.

9. Ayniy S. Asarlar. Sakkiz tomlik. Tom 7. Esdaliklar IV qism. – “Toshkent”: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1966. – 312 b.
10. Bartol'd V.V. Islam. – Petrograd. Ogni, 1918. – 98 s.
11. Bertel's E. Rukopisi proizvedeniy Axmada Kalle. Trud Tadjikskoy bazi. – M.: AN SSSR, 1936. – 385 s.
12. Qur'oni Karim. Baqara surasi, 158-oyat.
13. Bu haqda qarang: Ayniy S. Tarixi inqilobi Buxoro. – Dushanbe: Adib, 1987. – S. 58-67; Telegramm. Daxiliya xabarlar // Tarjimon. №3. 1910 yil 13 yanvar; Ismail Gaspirinskiy. Buxarai sharif vaqyasi // Tarjimon. №4. 1910 yil 22 yanvar; Alekseev A. “Tarixi inkilobi fikri dar Buxoro” kak istochnik po sunnito-shiitskim otnosheniyam v Buxarskom emirate (k. XIX - nach. XX vv.) <https://www.kunstkamera.ru/files/lib/978-5-88431-234-0/978-5-88431-234-0.pdf>.
14. Kaspiy. Turli Havadis. // Tarjimon. № 30. 1906 yil 24 mart.
15. Kostenko L.R. Puteshestvie v Buxaru russkoy missii. (S marshrutom ot Tashkenta do Buxari). – S-Peterburg: “Izdanie Bortnevskago”, 1871. – 108 s.
16. Mo`minov I. O`zbekistondagi tabiiy-ilmiy va ijtimoiy-falsafiy tafakkur tarixidan lavhalar. – Toshkent: “Fan”, 1999. – 256 b.
17. O`zR FA SHI, inv: 481/II.
18. O`zR FA SHI, inv: 2283.
19. O`zR FA SHI, inv: 2349.
20. O`zR FA SHI, inv: 2247/II.